

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Радмир Чимбергенов

Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар бошқармаси Шахсий хавфсизлик бўлими бош инспектори подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13121230>

Аннотация. Бу мақолада дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан бири коррупция ва унга қарши курашиши, коррупцияга оид қарор ва фармонлар ҳақида сўз этилган.

Калим сўзлар: Жамият, давлат, коррупция, ҳужжат, қонун, порахўрлик.

FIGHTING CORRUPTION IS THE DUTY OF ALL OF US

Abstract. This article talks about one of the global problems that need to be solved at the world level: corruption and fighting against it, decisions and decrees related to corruption.

Key words: Society, state, corruption, document, law, bribery.

БОРЬБА С КОРРУПЦИЕЙ – ДОЛГ КАЖДОГО ИЗ НАС

Аннотация: В данной статье говорится об одной из глобальных проблем, которые необходимо решить на мировом уровне: коррупции и борьбе с ней, решениях и указах, связанных с коррупцией.

Ключевые слова: Общество, государство, коррупция, документ, закон, взяточничество.

Жамиятда шундай иллатлар борки, у маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётига тўғанок бўлади. Давлатни ич-ичидан емирадиган ана шундай иллат – коррупция ва порахўрликдир. Айнан шу иллат сабабли кўплаб давлатларнинг инкирозга юз тутгани ҳам тарихдан маълум.



Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Коррупция кўпгина давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб

бера олди. Унга қарши курашиш, мунтазам равишда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалардан бирига айланди.

Шу боисдан ҳам Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ўз ваколатига киришиши билан Президент сифатида имзо чеккан энг биринчи ҳужжат 2017 йил 3 январь кундаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлди. Шундан сўнг, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Қонуннинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар берилган бўлиб, унда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашувига доир тушунчаларга таъриф берилган, яъни **коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир.

Мазкур Қонун ўз навбатида, фуқароларга коррупция ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг нима эканлиги ва уларнинг салбий иллатлари ҳақида маълумот беради. Қонуннинг 5-моддасида эса коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жавобгарлик белгиланган қуйидаги ижтимоий хавфли қилмишлар коррупциявий жиноятлар ҳисобланади:

Масалан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, бюджет интизомини бузиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, хизматчини пора эвазига оғдириш, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни

камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб, ёлғон гувоҳлик бериш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги ва ҳақозалар.

Ушбу Қонуннинг муҳим аҳамиятли жиҳати коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ҳақида маълумот берилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширишлари назарда тутилган.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари Қонуннинг 16, 17, 18-моддаларида ўз ифодасини топган. Чунки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ва ҳуқуқий таълим ва тарбия жиҳатидан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлмиш коррупцияга йўл қўймайдилар.

Ушбу Қонуннинг яна ўзига хослиги, Қонуннинг 5-бобида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги назарда тутилган.

Шундай экан, ўзимизга хулоса қилишимиз, келажакни коррупциясиз биргаликда куришимиз, бунинг учун аввало ўзимизни ўзимиз тарбия қилишимиз, коррупциянинг ҳар қандай кўринишларини бартараф қилиш учун биргаликда курашишимиз зарурдир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 47 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига

- бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – Б 51.
3. Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт».- Ташкент: Chashma Print, ст.110-118.
 4. Абдурасулов Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. -5-8-бетлар
 5. Абдурасулова Қ., Курбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 58-62.
 6. Волженкин Б.В. Коррупция и уголовный закон. // Правоведение, 1991, №6. С.62-65.
 7. Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.
 8. Авдеев В.А., Авдеева О.А. Стратегические направления противодействия коррупции в РФ // Российская юстиция. 2016. № 7. С. 19–21.
 9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 486 б.
 10. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар // <https://anticorruption.uz>